

Низомий номидаги ТДПУ Информатика ўқитиш методикаси
кафедрасининг 01.11.2017 йил 6-сонли мажлиси баёнидан

к ў ч и р м а

Қатнашдилар: профессорлар А.А.Абдукодиров, У. Юлдашев, доцентлар: Б.Холдорев, М.Мамаражабов, С.Қ.Турсунов, катта ўқитувчилар: М.Ашуров, А.Примкулова, И.Назаров, ўқитувчилар: Б.Шоакбарова, Н.Хайтуллаева, Н.Мирзахмедова, Ш.Усмонкулов, Ш.Адинаев, С.Бобожонов, З.Махаматова.

Кун тартиби:

5. Хар хил масалалар.

Кафедранинг доценти п.ф.н. С.Қ.Турсуновнинг 2017 йил 31 октябрь куни Физика-математика факультети МИФ ва МА йўналиши 101-гуруҳида (5-02-хона, соат 9⁰⁰) ўтказган очик маъруза дарси муҳокамаси.

Дарсни кузатганлар: катта ўқитувчи А.Примкулова, доцент Б.Нуриллаев, катта ўқитувчи Н.Хайтуллаева.

Эшитилди:

катта ўқитувчи А.Примкулова. С.Турсуновнинг Таълимда ахборот технологиялари фанидан “Электрон жадвал муҳаррирлари. MS Excel дастурида ишлаш технологиялари» мавзусидаги очик маъруза дарси жуда қизиқарли ўтди. Компьютер коммуникациялари бўйича катта тажрибага эга эканлиги ва ўзининг педагогик маҳоратини ҳам намоён эта олди деб ўйлайман. Маърузани ўтишда «Кластер», «Ақлий хужум», «Такдимот» усулларидан фойдаланилганлиги машғулотнинг янада қизиқарли ўтишига сабаб бўлди. Фаннинг янги бўлишига қарамасдан С.Турсуновнинг айрим ютуқларини хатто оммалаштириш керак деб ўйлайман. Умумий қилиб очик маъруза дарси қониқарли ўтди деб ўйлайман.

доцент Б.Нуриллаев. Дарс ўз вақтида бошланди. Дарс режа асосида олиб борилди ва интерфол усуллардан «Ақлий хужум», «Кластер» орқали талабаларни қизиқишини орттириб, маърузага оид материаллар ҳам яхши танланган. Шу материаллар асосида ўтилган мавзу босқичма - босқич ишлаб чиқилган. Дарсни ўтказиш жараёнида унинг маъруза машғулотларини ўтказиш тажрибаси алоҳида ўрин тутди.

катта ўқитувчи Н.Хайтуллаева. Дарс ўз вақтида яхши ташкил этилди. Дарсга ҳамма талабалар тўлиқ қатнашди. Талабаларнинг фаоллиги яхши. Очик маъруза дарсида Таълимда ахборот технологиялари фанидан “Электрон жадвал муҳаррирлари. MS Excel дастурида ишлаш технологиялари» мавзуси ўтилди. Унда мавзуга оид такдимот, интернет тармоғида мавжуд маълумотлардан намуналар кўрсатилди ва уларнинг имкониятларидан фойдаланилди. Дарс қизиқарли ўтди ва мақсадга эришилди деб ҳисоблайман.

Қарор: доцент С.Қ.Турсуновнинг очик дарси 78 балл баҳолансин.

Мажлис раиси:

кафедра мудири,
доцент С.Қ.Турсунов

Котиба:

ўқитувчи Ш.Саттарова